
Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танловининг Фурқат тумани босқичи бўлиб ўтди

Маълумки, бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан хорижий тилларни ўрганиш, ёшларни чет элдаги нуфузли олий таълим муассасаларига билим ва малакаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, умумтаълим мактабида 2023-2024-ўқув йилидан бошлаб, ҳар бир туманда 2 та тил ва битта касб ўргатиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 562-сонли қарори белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танловининг биринчи босқичи тумандаги 37-мактабда ўtkazildi.

Ушбу танловда 35 та умумтаълим мактабидан 5 нафар ўқувчиларидан иборат терма жамоасининг хорижий тилларни билиш даражаси тест топшириклари воситасида синовдан ўтказилди. Танловда жами 175 нафар ўқувчилар иштирок этиб, очик, ошкоролик, адолатлилик тамойиллари асосида ташкил этилди. Шунингдек, танловда иштирок этадиган ўқувчиларга барча шароитлар яратилди. Тест жараёнлари ўтказиладиган жойга видеокузатув мосламалари ўрнатилиб, онлайн кузатилиб бориш имконияти яратилди.

Танлов низомига мувофиқ энг юқори балл тўплаган мактаблар баллар кетма-кетлигига кўра 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган мактаблар сифатида белгиланади ва танлов ғолибларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврин яъни туман босқичида 1-ўрин учун — 100 миллион сўм, 2-ўрин учун — 75 миллион сўм, 3-ўрин учун — 50 миллион сўм билан тақдирланади.

Эслатиб ўтамиз, Ўтган 2022 йилда ўтказилган танловда 34-ИДУМ жамоаси 1-ўрин, 13-мактаб жамоаси 2-ўрин, 4-ИДУМ жамоаси 3-ўринни қўлга киритиб, Президент совринига сазавор бўлишган эди.

2023-04-19 21:36:09